

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ**  
**ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**  
**“АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ” КАФЕДРАСИ**

**Давронов Достонжон Иномжон ўғли**  
**“Сараҳбори Наво ва унинг тароналари” “Мухаммаси бузрук”**

**“5150700 – Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғу ижрочилиги)”**  
**йўналиши**

**Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

**Илмий-ижодий раҳбар:**

**Тошкент-2016**

## Мундарижа

|                                                                                                 |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>КИРИШ</b>                                                                                    | 3  |
| <b>I БОБ. ШАШМАҚОМ ИЖРОЧИЛИГИ САНЪАТИ, УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>                               | 8  |
| 1.1. Сарахбор тароналари ва мақомларнинг талқин йўллари                                         | 8  |
| 1.2. Мақомларнинг назарий ва амалий жиҳатлари                                                   | 19 |
| <b>II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ</b>                     | 24 |
| 2.1. Сарахбори Наво туркуми таҳлили, сўзлари ва тавсифи                                         | 24 |
| 2.2. Ижро дастури нота матни, сўзлари ва тавсифи (нотаси)<br>Сарахбори наво ва Бузрук мухаммаси | 29 |
| 2.3. Анъанавий мусиқа ижрочилигига хос зарблар (услубий тушунчалар ва нота мисоллари)           | 44 |
| <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b>                                                                      | 47 |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>                                                         | 51 |

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Республикамизда мустақил ривожланиш йўлига ўтилиши билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса таълим соҳасига республикамизни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида қаралиб, шунга кўра қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да таълим тизимини қайта қуриш, уни миллий маънавият ва миллий мафкуравий негизда шакллантириш вазифалари белгилаб берилди. Қонунга мувофиқ 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилиниб, мусиқа фани 1-7 синфларда ўтиладиган бўлди. Барча фанлар қатори мусиқа дарслари учун ҳам Давлат таълими стандарти ва ўқув дастурлари яратилиб, амалиётга жорий этилди. Дастур асосида дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар, тавсияномалар, синфлар бўйича тахминий-мавзули иш режалари яратилди ва уларни янада такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Бу ўз навбатида мусиқий эстетик таълим ва тарбия сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида ўзининг самарали натижаларини бериши лозим. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари учун мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогика олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашга ҳам янгича талаблар асосида ёндошилаётганига қарамай бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам анчагина. Хусусан, педагогика олий ўқув юртлари учун анъанавий хонандалик йўналиши бўйича янги ўқув режалар ва улар асосида тузилган дастурлар бўлгани ҳолда шу фан учун махсус дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмаганлиги бу борадаги жиддий муаммолардандир. Ваҳонланки, олий ўқув юртидаги таҳсил давомида бўлажак мусиқа ўқитувчилари умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар ва «мусиқа маданияти» фанидан синфдан ташқари фаолиятлар методикасидан чуқур билим ва тушунчаларга эга бўлиши лозим.

Маълумки, шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши учун ижрочилик билан бирга халқ оғзаки ижодиётининг профессионал жанри билан

ошно қилишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни ҳал этишда куйидаги муаммолар мавжудлиги маълум бўлди:

- мусиқий таълим жараёнида ўқувчиларга ижрочилик маҳоратларини шакллантиришда замонавийлик билан тарихийлик тамойилларининг уйғунлаштирилмаганлиги;

- мақомлар воситасида ўқувчиларни ижрочилик маҳоратларини тарбиялашга доир ўқув-методик қўлланмалар билан ўқитувчиларнинг етарли даражада таъминланмагани;

- мумтоз мусиқанинг кўп тармоқли ва маҳаллий анъаналарга эга эканлиги, уларнинг ўхшашлиги ва ўзига хослиги, маҳаллий мусиқий анъаналарнинг замонавий мусиқа, бастакорлик ва композиторлик ижоди соҳасида намоён бўлиши сезиларлик даражада эмаслиги;

- таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзбек халқи мусиқасининг илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалиб, ўзида халқимизнинг бой мусиқий маданияти, миллий мусиқий қадриятларимизнинг умумбашарий мусиқа маданиятининг ажралмас қисми эканлигини англаб етишига тўлиқ эришилмагани;

- мусиқа воситасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсонни маънавий-руҳий жиҳатдан камол топтиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг талаб даражасида эмаслиги в.б.

**Битирув малакавий иши мақсади:** Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўллари таҳлил қилиш ва тизимлаштириш

**Битирув малакавий иши вазифалари:**

- Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўллари тизимлаштириш долзарб муаммо сифатида;

- Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўллари тузилиши ва ижро этилишининг ўзига хос хусусиятларини педагогик жиҳатдан ёритиш;

- Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўллари таҳлил қилиш орқали ўқувчи-ёшларни мақом ижрочилиги маҳоратини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;

– “Сараҳбори Наво” ва “Мухаммаси Бузрук” мақомининг чолғучиликдаги ижро йўллари таҳлил қилиш орқали ўқувчи-ёшларни ижрочилик маҳоратини ривожлантиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва қиёсий таҳлили.** Мустақиллик туфайли халқимиз бой маданий меросини ўрганиш, миллий қадриятлар, урф-одатларимизни тиклаш имкониятига эга бўлди. Шу кунга етиб келган маънавий бойлигимиз – мусиқий асарларни ҳозирги давр талаби даражасида ўрганиш, уларни тиклаш ва авайлаб асраш орқали ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш давлат даражасида қаралмоқда. Шунга кўра маънавий меросимизнинг узвий тарбиявий қисми сифатида ўзбек анъанавий мусиқаси, ўзбек мақом санъати, фольклори ҳамда мумтоз мусиқа намуналари ва анъанавий мусиқа асарларини изчил ўрганиб, уларни ёзиб олиб тадқиқ этиш, анъанавий мусиқа санъатини кенг ривожлантириш ва янги ижодиёт йўналишларида фойдаланиш ҳамда ёш авлодга кенг тарғиб этиш энг муҳим вазифалардан саналади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш бўйича Республикамизда талай ишлар олиб борилган. Санъатшунослик фанлари доктори Р.Абдуллаевнинг таъкидлашича ноёб мусиқа ёзувларини замонавий техник воситалар орқали аудио ва видеодискларга кўчириш маданий мусиқий меросимиз намуналарини ўқув-услубий дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликларга киритиб, ўқув жараёнига татбиқ этиш, жойларда илмий ва фольклор экспедициялари уюштириб, ноёб дурдоналарни тўплаш ва ёзиш, Бойсун маданий муҳити ва «Шашмақом» каби дурдоналарни тарғиб этиш бўйича ЮНЕСКО билан ҳамкорликдаги амалий ишлар йўлга қўйилаётгани ҳақида маълумотлар берилади.

Шунингдек, «Хоразм танбур чизиги» замонавий нота тизимида ўрганилаётгани, Сурхон воҳасига хос маросим қўшиқлари, дўмбира, чанқовуз чолғу куйлари ва дoston ижро услублари тадқиқ этилмоқда. Фольклор санъати анъаналари Тошкент маданият институтида, халфачилик санъати Хива мусиқа

мактабларида, катта ашула анъаналари Фарғона санъат коллежида, Р.Глиэр номидаги академик лицейда, анъанавий ижрочилик услуги ва анъаналари Ўзбекистон консерваторияси, вилоят ва мусиқа коллежларида ўрганилмоқда.

Лекин бу ижобий ишларнинг барчаси олий таълим ҳамда коллеж ва лицейлар, махсус мусиқа мактабларини назарда тутган ҳолда умумтаълим мактаблари назардан четда қолаяпти. Ваҳоланки, таълим-тарбия жараёнида ёш авлодга миллий урф-одатларни сингдириш, уларни эстетик тарбиялаш муаммолари катор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Ф.Халилов, И.Қирғизов, Р.Маматқулов, И.Нисанов, Б.Кароматова, Д.Джамоловалар мусиқа дарсларида ўқувчи-ёшларга ахлоқий-эстетик тарбия бериш борасида изланишлар олиб борган.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:**

– Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўлларини тизимлаштириш долзарб муаммо сифатида илмий-назарий жиҳатдан асосланди;

– Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўлларини тузилиши ва ижро этилишининг ўзига хос хусусиятлари мусиқий-назарий жиҳатдан ёритиб берилди;

– Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўлларини таҳлил қилиш орқали ўқувчи-ёшларни мақом ижрочилиги маҳоратини ривожлантириш имкониятлари очиб берилди;

– “Сараҳбори Наво” ва “Мухаммаси Бузрук” мақомининг чолғучиликдаги ижро йўлларини таҳлил қилиш орқали ўқувчи-ёшларни ижрочилик маҳоратини ривожлантиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот объекти.** Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўлларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** Сараҳбори Наво ва тароналарининг чолғу йўлларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш асосида таълим олувчиларининг ижрочилик маҳоратларини оширишнинг мазмуни, шакл метод ва воситалари.

**Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти:** Битирув малакавий ишида илгари сурилган назарий фикрлар анъанавий рубоб чолғу ижрочилигини мазмунан бойитади, анъанавий рубоб чолғу ижрочилигида таълим оловчиларнинг ижро маҳоратини шакллантириш самарадорлигини фаоллаштиради, чолғу ижрочилиги бўйича туркум асарлар ва халқ куйлари ижро услублари воситасида таълим оловчиларининг ижрочилик маҳоратларини оширишнинг мазмуни ва ўқув-тарбия фаолиятини янада оширади. Битирув малака ишида илгари сурилган илмий-методик тавсиялар эса узлуксиз таълим тизимида анъанавий рубоб чолғу ижрочилигининг мазмунига доир методик манба сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу соҳада дастур, дарслик, методик қўлланмалар яратишда, узлуксиз таълим тизимида анъанавий рубоб чолғу ижрочилигини ривожлантиришда, ўқувчи-ёшларни мақом ижрочилиги маҳоратини ривожлантириш фаолиятини такомиллаштиришда, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

## **I.БОБ. ШАШМАҚОМ ИЖРОЧИЛИГИ САНЪАТИ, УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1.Сарахбор тароналари ва мақомларнинг талқин йўллари**

Шашмақом ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўъбалари Сарахбор деб номланган шўъбалар билан бошланади. “Сарахбор” сўзи шашмақом билан бирга яратилган. Сарахборлар ҳар бир мақомнинг мазмунини билдиради. О.Матёкубовнинг ёзишича: “Сарахбор” деганда Талқин, Наср, Уфарлар қўшилиб, ашула йўлининг асосий ўзаги тушунилади. Устозлар баъзида Шашмақом ўзаги “Олти Сарахбор” деб юритганлар Гавриель Муллақандовнинг Шашмақомда айтиладиган шеърини дафтари (дастак)да Наво мақомининг охирида “ Шу ашулалар билан Сарахбори наво тамом бўлади”<sup>1</sup> жумласи келтирилган. Сарахборларнинг ижро этишда хофизларда кенг диопазон ва тажриба бўлиши керак. “Мақом усталаридан Борух Зиркиевнинг айтишича Сарахборлар ижроси ва уларни ўрганиш оғир бўлгани учун устозлар мақомларнинг бошқа шўъбаларини ўргатиб кейин Сарахборларга ўтганлар”<sup>2</sup> Лирик кўринишдан сўнг Зафар маъносидан маъносини билдирадиган Наср шўъбалари ижро этилади. Наср шўъбалари Шашмақом таркибида энг кўп учрайдиган шўъбалардан бўлиб улар ўн тўрттадир. Наср шўъбалари орасида Ораз, Ҳусайний, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам деб номланган машҳур мақом йўллари ҳам учрайди. Шашмақом ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўъбаларини шўх, енгил характердаги уфарлар ижро этилади. Уфарлар Шашмақомнинг ҳар бир мақомида учрайди. ”Хоразм мақомларида барча уфарлар тани мақомдан келиб чиқса, Шашмақомда талқин ёки насрларга боғланади”. Уфорлар Шашмақом ашула бўлимининг биринчи шўъбаларини якунловчи қисм бўлиб, бундан сўнг иккинчи гуруҳ шўъбаларига ўтилмайди.

---

<sup>1</sup> О. Матёкубов “Мақомот” 210 бет.

<sup>2</sup> И. Ражабов “Мақомлар”213 бет.



Мақомларнинг куй тузилмалари, лад асослари ва лад тизимининг асосий қисми бўлган намудлар назарясини биринчи бўлиб замонавий муסיқашуносларимиздан (1927-1982) Исҳоқ Ражабов ўз изланишларида исботлаб берди. Исҳоқ Ражабов ўз илмий изланишларида исботлаб берди. Исҳоқ Ражабов намудлар масаласига алохида тўхталиб ўтганлар. Мақомларни ўрганувчилар учун Шўъбалардаги намудларнинг номлари, Юнус Ражабий тўплаб нотага олган олти жилдлик “Шашмақом” китобидаги тактлар сони, бетлари кўрсатилган жадвал тузиб чиқди.

Шашмақом ашула бўлими иккинчи гуруҳ шўъбалари Сафт ва мўғулчалар биринчи гуруҳ шўъбаларига назира қилинган. Сафт, мўғулчалар, талқинча, чапандоз, қашқарча, соқинома ва уфарлари яъни шаҳобчалари билан бирга бир туркум қилиб ижро этилади. Сафтлар Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳининг асосий шўъбаларидан бўлиб, Сегоҳ ва Ироқ мақомларидан бошқа барчасида биттадан учтагача сафт йўллари учрайди. Сафтлар сарахбор, талқин, насрларга “жавоб” сифатида бастакорлар томонидан яратилинган. Мўғулчалар ўзининг куй қиёфаси такт ўлчови ва усули билан сафтларга ўхшайди. “Мўғулча номли шўъбалар мўғуллар муסיқасида машҳур бўлган доира усулларига нисбат бўлса керак.”<sup>3</sup> Мўғулчалар рост ва ироқ мақомларида учрамайди. Сафт ва мўғулчалардан сўнг талқинчалар ижро этилади.” Талқинчадаги ча қўшимчаси кучайтириш учун эмас балки “талқинча- талқин усулига мансуб, деган маънода келади”<sup>4</sup> Ундан сўнг қашқарча усулида ижро этиладиган ашула йўллари келади. Қашқарчада ҳам Сафт ва Мўғулчалардаги каби асосий шўъбаларнинг куй йўли қашқарча усулида ижро этилади. Соқинома шариатдаги ғазаллар бўлиб, Соқиномалар шундай ғазалар билан айтилган ашула йўллари дир. Сафт ва Мўғулчалар ҳам Уфорлар билан якунланади. Иккинчи гуруҳ шўъбаларига но асосий бўлган шўъбалар ҳам бор. Булар Бузрук мақомидан Ироаҳқи

---

<sup>3</sup> О. Матёкубов “Мақомот” 216 бет.

<sup>4</sup> И. Ражабов Мақомлар 251 бет.

Бухоро, Рок Наво мақомида Мустахзоди Наво, Дугоҳ мақомида Қаландари Дугоҳ, Самандари Дугоҳ, Сарахбори дугоҳлар шулар жумласидандир.

Мақомлар даврнинг ижтимоий талаблари ва эҳтиёжларига боғлиқ бўлган ҳолда яшаб келди ва ўз тараққиёти жараёнида катта ўзгаришларга учради. Ўзбек– тожик халқлари мусиқасининг мумтоз намунаси бўлган Шашмақом, XVIII асрнинг биринчи ярмида мустақил мусиқа жанри сифатида юзага келди. “Шашмақом олти турли ладларга мослаб олинган ва уларга асосланган куй ва ашулалар йиғиндисидан иборат. Шашмақомнинг лад асоси олти турли бўлса-да, унга яқин келадиган бошқа ладларга мос куйлар ҳам киритила берган”<sup>5</sup>

Мусиқа меросимизнинг энг салобатли ва сермахсул қисмини мақом ижодиёти ташкил этади. Унинг таркибига турли даврларда бастакорлар томонидан ижод этилган ҳар хил ҳажмли, туркумли, муайян ва мазмунли мукаммал чолғу ҳамда айтим намуналари кирган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мақомчилик санъати бастакорлик ва ижрочилик санъати билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда халқчил, миллий, шу жумладан, ўзбек анъанавий мусиқа санъати йўналишларида кенг йўл ва имконият очади.

Тингловчилар оммасининг маънавий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга жиддийроқ эътибор берилаётгани аниқ ва равшан кузатилмоқда.

Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб барча вилоятларда турли анъанавий мақом ансамбллари ва ижодий гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир мақомларнинг ашула бўлими сарахбор деб аталадиган шўъбалар билан бошланади. Сарахбор атамаси куйидагича таржима этилади: “сар”- тожикча “бош, бошланиш”, “ахбор”- арабча “хабар” сўзининг кўплигидир, яъни сарахбор- ахборот берувчи бош куй, ашула, мақомлар ашула бўлимининг асосий бош мавзудир. Улар шашмақомда турли мақомлар номи билан қўшилиб сарахбири бузрук, сарахбори рост, сарахбори наво, сарахбори дугоҳ, сарахбори сегоҳ, сарахбори ироқ деб номланади. Сарахборларнинг

---

<sup>5</sup> И.Ражабов “Мақомлар”, “Санъат” нашриёти, Тошкент-2006, 150-бет

такт-ритм ўлчови икки-ю тўрт (икки чорак) бўлиб, доира усули икки хил ижро этилади. Сарахборларнинг доира усуллари нисбатан содда бўлгани туфайли , шу сабабли куй тузулиши мураккаб бўлишига қарамай тингловчига тез етиб боради. Сарахборлар ижро этилганда фоидаланадиган ғазаллар қуйидаги шеър вазинларига тўғри келади:

Музореи мусаммани ахраби макфуфи максур:

Мафувлу-фоилоту-мафойилу-фоилон

Мужтаси мусамман махбуни мактун мусаббағ:

Мафоилун-фаилотун-мафоилун-фалун

Мутақориби мусаммани махзуф:

Фаувлун-фаувлун-фаувлун-фаул

Рамали мусаммани махзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.

Сарахборларни ижро этишда мақомдон хофизлар ўз истеъдодига қараб бошқача вазиндаги шеърлардан ҳам фоидаланганлар.

Устоз созанда ва хонандаларнинг тарифф беришича намудлар шўъбаларнинг суяги, яъни таянчидир.

Сарахборларда қуйидаги намудлар учрайди: сарахбори бузрукда уззол ва мухайяри чоргох намудлари, сарахбори ростда сегох, уззол ва мухайяри чоргох намудлари, сарахбори навода намуди ораз ва навонинг дунастри, сарахбори дугоҳда зебо пари ва мухайяри чоргох намудлари, сарахбори сегоҳда намуди ораз ва сарахбори ироқда зебо пари ва мухайяри чоргох(баъзан ироқнинг дунастри) учрайди.

Мақомшунос олим (мақомлар билимдони) оқилхон иброҳимов шундай дейди: “жуда ҳам кўпчилик намудлар масаласида қатъий қонуниятга амал қилишга ҳаракат қилишади, лекин буни унчалик тўғри деб бўлмайди. Қадимда хофизлар биргина асарнинг ижросида керак бўлса сакизтагача намуддан

фоидаланаолишган. Бу ҳолатлар кўпинча мақом кечаларида ёхут белашувларда учраган”.

Бу ҳақида Исҳоқ Ражабов ҳам “мақомлар” китобида ёзиб ўтган.

Сарахборлар тароналари билан ижро этилиб бўғач мақомларнинг талқин йўлларига ўтилади. Сарахборлар тароналардан талқинларга отишда супоришлар ёки сарахборларнинг охирги таронаси воситачилик вазифасини бажаради. Талқинлардан олдин келадиган супоришлар асосан талқин доира усулида бўлади ва улар мақом шўъбаларидан кейинги қисимларга ўтишда замин ҳозирлаб беради.

Талқин деб аталадига шўъбалар ироқ мақомидан ташқари ҳамма мақомларда мавжуд. Бузрук мақомида- талқини уззол, рост мақомида- талқини ушшоқ, навода- талқини баёт, дугоҳда- талқини чоргоҳ, сегоҳда- талқини сегоҳ номлари билан учрайди.

Талқин араб тилида “насихат этиш” деган маънода келади. “Шашмақом шаклланишининг илк даврларида талқин ашула ёлларига насихатомуз ғазаллар қўйиб айтилган ва шунинг учун талқин номи билан берилган бўлса керак”. деб ёзади Исҳоқ Ражабов.

Талқиннинг такт ритм ўлчови ва доира усули ним чорак ва уч чорак (учу-саккиз учу-тўрт) ёки аксинча. Бу доира усули шарқ халқлари орасида кўпроқ ўзбек-тожик халқ мусиқасига хос бўлган ўлчовлардир.

Талқинларга асосан, рамали мусаммани махзуф вазнидаги шеърлар айтилади.

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.

Талқинларда келадиган намудлар кетма-кетлиги сарахбоорларда келадиган намудлар кетма-кетлигидан деярли фарқ қилмайди. Масалан сарахбори бузрукда келадиган намуди уззол ва намуди мухайяри чоргоҳ талқини уззол шўъбасида ҳам келади.

Энди талқинларнинг ижросида ижодий ёндошиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Талқини уззол асари фикримча вазминроқ ижро этилиши керак. чунки бу асарни тинглаганимда ўзимда босиқлик сезаман. Талқини

ушшоқ асарини ижро этганимда кўнглимда бир мунг пайдо бўлади ва шу сабабли унинг усулидан ноанъанавий фойдалангим келади, яъни созандалар ва хонандалар тили билан айтганда (усулини тортиб) ижро этгим келади. Талқини баёт Мендан шахдамлик ва исёнкорлик талаб этгани ушун бу асарнинг ритмини юрғизиброқ ижро этишга эҳтиёж сезаман.

Талқинлар ҳам сарахборлар каби ўз навбатини талқинларга бўшатиб берганидек, улар ҳам ўз навбатларини наср деб аталадиган шўъбаларга бўшатиб бериши керакдир ва шу ерда уларга доимгидек тароналар ёки супоришлар ёрдамга келадилар. Биз тароналарни бекорга тилга олганимиз йўқ. чунки ҳамма талқинларнинг ҳам якунловчи супоришлари йўқ. якунловчи супоришлар фақат талқини уззол ва талқини баёт шўъбаларида мавжуд. шу сабабли бошқа талқинларни уларнинг тароналари тугатиб беради.

Наср шашмақом ашула бўлимида энг коп учрайдиган шўъбалардир. Улар ҳар бир мақомда учрайди ва олти мақом бўйича жами ўн тўрттадир. Наср сўзи арабча сўз болиб, “кўмак” ёки “зафар” маъноларида ишлатилади. Насрларнинг асил моҳиятига қараб ўтмишда зафар ашуласи сифатида қолланилган деган фикрга келган Исҳоқ Ражабов. Насрлар:

Бузрук мақомида- насруллои, насри уззол;

Ростда- насри ишшоқ, наврўзи сабо;

Навода- насри баёт, орази наво, хусаунийи наво;

Дугоҳда- насри чоргоҳ, орази дугоҳ, хусайний дугоҳ;

Сегоҳда- насри сегоҳ, наврўзи хоро, наврўзи ажам;

Ироқ мақомида эса- мухайяри ироқ деб номланадилар.

Насрларнинг такт-ритм олчови олти-ю тўрт (олти чорак).

Насрларни ижроси учун мақомдон устозлат турли вазиндаги ғазалларни танлаганлар. Бунда кўпроқ “ҳазажи мусаммани солим” деб аталадиган шеър вазни машхурроқ бўлиб унинг ўлчови:

Мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун

Шаклидадир.

Хофизлар насрларда “мужтаси мусаммани махбуни мактуи мусаббағ”, дейилган вазиндаги ғазаллардан ҳам фоидаланганлар:

Мафоилун-фоилотун-мафоилун-флон

Энди насрлардан насри ушшоқни таҳлил этиб кўрамиз. Насри ушшоқни шаклини- асосан, унинг бошланиш қисми- даромаддир. тўрт мисра шеър билан айтилади. Миёнпарда (икки хат), дунастри (икки хат) нилан намуди уззол ва мухайяри чоргоҳга ўтилади. Сўнгра миёнхат орқали ашуланинг бошланғич жумлалари билан пастки пардалар томон тушади. Умумий ҳисобда насри ушшоқ тўққиз хатдан иборат. Шунинг учун ҳам ғазалнинг баъзи байтлари такрорланади.

Насрларнинг тароналари ҳам сарахбор ва талқин тароналари таркибида ишланган ва улардаги каби амални бажаради. Насрлар тароналари ҳам ёқимли ва енгил ашула йўллари ҳисобланади ва шу тароналар ва супоришлар ёрдамида уфорилар деб номланадиган шўъбаларга ўтилади.

Шашмақом ашула бўлимининг биринчи қисми тамомланишида уфори деб номланган шўъбалар ижро этилади.

Уфорнинг луғавий маъноси ҳозирча маълум эмас. Бу ном хусусида мусиқа назариясига бағишланган манбаларда уфор маълум доира усулининг номи деб келтирилади.

Уфорлар такт-ритм ўлчови учу-торт, баъзан тўрту-тўрт олти-ю саккиздир.

Бу шўъба олтимақомнинг ҳар бирида учрайди. Бузрук мақомида- уфори уззол, ростда- уфори ушшоқ, навода- уфори баёт, дугоҳда- уфори чоргоҳ, сегоҳда- уфори сегоҳ ва ироқ мақомида уфори мухайяри ироқ деб номланади.

Уфорлар қуйдаги вазинларда ижод этилган ғазаллар билан ижро этилади:

Рамали мусаммани махзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун

ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи махзуф:

Мафувлу-мафоилу-мафоилу-фаувлун

Уларда баъзан бошқа вазинлардаги ғазаллардан ҳам фойдаланади. Масалан:

ҳазажи мусаммани солим:

Мустафилун-мустафилун-мустафилун-мустафилун

Рамали мусаммани махбуни махсур:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилон

Шашмақомдаги уфорларнинг куй қиёфаси наср ёки талқин шўъбалар каби мураккабдир. Наср ёки талқинларда учрайдиган куй бўлаклари ва намудлари уларнинг уфорларида ҳам учрайди.

Уфорлар мақом туркумларининг энг сўнги қисми бўлса-да, улардан кейин ҳар бир мақомнинг супоришлари ижро этилади. Уфорлардан кейин келадиган супоришлари, асосан, сарахборларнинг маълум қисмидир. Демак ҳар бир мақомда ашула йўли сарахбордан бошланиб, унинг тароналарига ва супориш ёрдамида талқинга, сўнгра супориш орқали насрлар ҳамда уларнинг тароналаридан сўнг уфорларга ўтиб, улар бир бутун ҳолда ижро этилади. Охири ҳаракат сарахборларга топширилади, яъни уларга супоришлар қилинади. Булар: супориши бузрук, супориши рост, супориши наво, супориши дугоҳ, супориши сегоҳ ва супориши ироқлардир.

Энди шашмақомнинг наср бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбалари таркибига кирувчи шўъбалар ҳақида фикр юрутамиз. Булар сафтлар ва моғулчалардир.

Шашмақомнинг иккинчи гуруҳига кирувчи шўъбалар ҳаммаси чолғу муқаддимаси билан бошланади. чунки улар биринчи гуруҳ шўъбаларидек бирин-кетин ижро этилмайди. Сафт ва мўғулча туридаги шўъбалар мустақил равишда, ўз шаҳобчалари билан бирликда бирин-кетин ижро этилади.

Иккинчи гуруҳга кирган шўъбалар ичида сафтлар олти мақомдан фақатгина тўрттасида учрайди. Улар: бузрук мақомида- сафти сарвиноз, ростда- сафти ушшоқ, сафти сабо, сафти калон, навода- сафти наво, дугоҳ мақомида эса- сафти чоргоҳ деб номланади.

Сафт арабча сўз ббўлиб “товуш”, “оханг” ва “муסיқа товуши” маъноларида келади. Муסיқа истилоҳида унинг акссодо маъноси ҳам бор,

яъни у тайёр бир куй ёки ашулага тақлид қилиниб бастакорликдаги маълум қоидалар асосида жавоб сифатида ижод қилинган мусиқа асаридир.

Сафти Наводан бошқа сафтларнинг такт ритм ўлчови беш чорак (бешу-торт), сафти наво эса талқин доира усулидадир.

Сафтлар бир хил, яъни ҳазажи мусаммани солим вазнидаги шеърлар билан ижро этилади:

Мафоилун-мафоилун-мафоилун-мафоилун.

Устозларнинг айтишича, ўтмишда сафтлар вазмин ва оғирроқ доира усулида ижро этилган. Улар жуда ёқимли, оҳангдор ашула йўллариidir. Улардаги куй ҳаракати мақомларнинг бошқа йирик шаклидаги шўъбалардагидек пастки пардалардан бошланиб, бир неча ашула хатлари орқали миёнпарда ёки дунасиrлар орқали секин-аста поғонадан-поғонага кўтарилиб ривожланади ва ўзларига мос келадиган намудлар билан авжи томон интилади. Улардан сўнг ўрта пардадаги ашула жумлалари қисми воситаси билан ўзининг дастлабки нуқтасига қайтади.

Сафтлар ижро этилгандан сўнг уларнинг ритмик ва куй мавзуси қолган шаҳобчалари: талқинча, қашқарча, соқинома ва уфорлар ижро этилади. Бу шаҳобчалар ўзлари мансуб бўлган шўъбалар номи билан қўшиб айтилади.

Талқинча ашула йўллари мақом шўъбаларининг талқин доира усулида ижро этиладиган ритмик мавзусидир. Бу борадаги “ча” қошимчаси, талқин усулига мансуб деган маънони беради. Талқинчаларнинг такт-ритм усули учу-торт ёки аксидир.

Талқинчаларга қўйиб ижро этиладиган ғазаллар вазни, биринчи гуруҳ шўъбаларига кирувчи талқин ашула йўлларига қўйиб айтиладиган ғазаллар вазни билан ўхшашдир:

Рамали мусаммани махзуф:

Фойлотун-фойлотин-фойлотун-фоилун

Қашқарча шаҳобчасининг такт-ритм ўлчови тўрт-у-тўртдир.

Қашқарча ашула йўлларига қўйиб ижро этиладиган ғазаллар вазни қуйидагича:



Рамали мусаммани махзуф:

Фойлотун-фойлотун-фойлотун-фоилун

Соқинома ашула ёлларининг доира усулининг такт-ритм ўлчови кашқарча кабидир.

Соқиномаларга шеърлар қуйидаги вазинлар асосида танлаб олингандир:

Мутақориби мусаммани махзуф:

Фаувлун-фаувлун-фаувлун-фаул

Уфорларнинг такт-ритм ўлчовлари ва танланадиган ғазаллар вазни биринчи гуруҳ шўьбалари сафига кирган уфор деб номланадиган шўьбалар билан ўхшашдир.

Мақомлар наср бўлимининг иккинчи гуруҳ йирик шўьбалар орасида мўғулча номи билан машҳур бўлган ашула йўллари ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу шўьбанинг шундай деб аталиши жуда қадимий тарихий асосларга таъллуқли бўлса керак, лекин тарихий манбаларда бу ном учрамаган.

Мўғулчалар ўзининг куй қиёфаси ва характери сафтларга ўхшайди. Уларнинг доира усуллари ҳам ўхшашдир, лекин Мўғулча доира усули сурати сафтларнинг усулидан бир оз шахдамрокдир.

Мўғулчалар ижроси учун (рамали мусаммани махзуф) деб аталадиган шеър вазнига мос ғазаллардан фоидаланиб, у:

Фойлотун-фойлотун-фойлотун-фоилун

Ўлчовида бўлади.

Мўғулчалар рост ва ироқ мақомларида учрамайди. қолган мақомларда улар қуйидагича: бузрук мақомида- мўғулчайи бузрук, навода- мўғулчаи наво, дугоҳда- мўғулчаи дугоҳ ва сегоҳ мақомида- мўғулчаи сегоҳ деб айтилади.

Мўғулчаларнинг ҳам худди сафтлар каби торттадан шаҳобчалари бор ва улар ҳам: талқинча, кашқарча, соқинома ва уфор деб номланади.

Мўғулчаларда намудлар таркиби ҳам турличадир. Мўғулчаи бузрукда- уззол ва мухайяри чоргоҳ намудлари, мўғулчаи навода- навонинг юқори пардаларидаги кўриниши, базан эса намуди ораз, мўғулчаи дугоҳда- намуди дугоҳ ва мухайяри шоргоҳ, мўғулчаи сегоҳда эсаа- намуди сегоҳ ва авжи турк

учрайди. Шуниси эътиборлики, мақомларнинг мўғулча вас афт каби шўъбаларида учрайдиган намудлар уларнинг шаҳобчаларида ҳам бўлиши шарт.

Мўғулчаи бузрук сарахбори бузрукнинг маълум вариантыдир. Мўғулчаи наво эса баёт шўъбалари асосида яратилгандир. Бу ҳол мўғулчаи дугоҳ ва сарахбори дугоҳ ўртасидаги боғлиқликда ҳам учрайди, лекин мўғулчаи сегоҳ сарахбори сегоҳ, талқини сегоҳ, насри сегоҳ ва уфори сегоҳлар билан лад уюшмаси ва намудлари жиҳатдан мос келса-да анча фарқ қилади.

Биз юқорида рост ва ироқ мақомлари таркибида мўғилча шаклидаги шўъбалар мавжуд эмас деб айтиб ўтган эдик. Ўзбекистон халқ артисбти Ўлмас Расуловнинг шашмақом дурдоналаримизга меҳри юксак бўлганлиги учун бу истеъдодли созанда рост мақомининг шакли ва пардалари асосида мўғилчайи рост туркумини яратгандир.

Ўйлаймизки, бу туркум асар рост мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари қаторига қўшилади.

Шашмақомнинг наср (ашула) бўлимининг шўъбалари ҳам бастакорлик ижодининг махсулидир. Бунда 200 дан ортиқ турли шаклдаги ашулалар мавжуд бўлиб, улар асосида ҳам бастакорлар томонидан юзлаб куй ва ашулалар яратилган. Шашмақомнинг ашула бўлимлари анчагина мураккаб шаклдаги шўъбалардан таркиб топган ва асосан, бир-биридан ажралиб турадиган икки хил шўъбалар гуруҳига бўлинади.

Биринчиси – Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфар қисми. Иккинчисининг эса асосан, Савт – Муғулча шаклидаги шўъбалар киради. Ашула бўлими ижроларида намудлар катта ўрин тутди. «Намуд» - кўриниш, ўхшаш маъносин англатиб, маълум бир ашула қисмининг иккинчисида қайтарилиши тушунилади. Намудлар шашмақомнинг ашула бўлимида кўп учрайди. Булар Дугоҳ, Сегоҳ, Баёт, Наво, Уззол, Ушшоқ, Ораз, Насруллои, Мухайяри Чоргоҳ намудларидан иборат бўлиб, буларнинг аталишидан мақомнинг кайси шўъбасидан олинганини билиб олиш мумкин. Бир мақомдан олинган намуд иккинчи мақомда фойдаланилганда, шу мақом шўъбасининг куй ҳаракати,

тузилиши ва доира усулларига мослаштирилади. Намудлар йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам учрайди. Бундан ташқари, анъанавий қўшиқ ижросидаги асосий ишлатиладиган авжлар, яхни Зебо пари авжи, Турк авжи сингари авжлар ҳам намудлар вазифасини бажаради ва ижрога жило беради.

Зебо пари авжи - Сегох мақомидан ташқари барча мақомларда ишлатилади ва машхур авж саналади. Бу авжни исфаралик машхур хофиз Зебо пари яратган бўлиб, мақом ва анъанавий қўшиқ ижросига янгилик сифатида кириб келган ва машхур бўлиб кетган.

## **1.2. Мақомларнинг назарий ва амалий жиҳатлари**

Ўзбек халқи ҳам бошқа ҳамма халқлар каби ўзининг миллий мусиқа маданиятига эга. Бу маданият тобора ривожланмоқда ва бойимоқда. Унинг ўзига хослиги ортмоқда. Ўзбек мусиқа санъатининг тараққиёти барча халқлар санъати учун характерли бир-бирини тўлдириш жараёни билан боғлиқдир. Мусиқа маданиятларининг бир-бирини бойитиши ва ўзаро таъсири ўзбек мусиқасининг миллий, ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди.

Маънавий бойликларни кенг миқёсда алмашиш миллий муносабатлар ривожланишининг қонуниятидир. Умуман, ҳеч бир халқ ана шу жараёндан четда турмаган. Адабиёт ва санъат декадалари, миллий театрлар ва концерт бригадаларининг гастроллари, расм кўргазмалари, китобларни ўзаро таржималар қилиш ва бадиий фаолиятнинг шакллари маънавий ҳаёт соҳасидаги миллий муносабатларни акс этирган. Ўзбек мусиқа санъати кенг байналминал сахнада намойиш этиб келинди. Ўзбек мусиқачилари ва қўшиқчилари, халқ ансамбллари турли республикаларда ва чет мамлакатларда ҳам ўз маҳоратларини муваффақиятли кўрсатди. Уларнинг ҳамма жойлардаги чиқшлари тингловчиларда жонли қизиқиш уйғотди. Ўзбек халқи мусиқа маданиятининг бойиш жараёни кўп қиррали ва мураккабдир. Масалан, ўзбек опера ва балетининг вужудга келиши Ўзбекистон мусиқа маданиятининг юксак даражага етганини ифодалайди. Ўзбекистонда мураккаб

ва мужассам шакли бўлган анъанавий ижрочилик санъатнинг ривожланиши ва такомиллашиши учун хизмат қилди.<sup>5</sup>

Халқимиз мустақилликка эришган қисқа тарихий давр ичида фарзандларимизни баркамол шахс бўлиб етишиши учун уларни юксак маънавият, миллий истиқлол ғояларига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

«Шу боисдан ҳам, – деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, – ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди<sup>1</sup>».

Янгиланаётган жамиятда миллий кадриятларни тиклаш, шахс маънавиятини юксалтиришга доир юқоридаги вазифалар соғлом ижтимоий муҳитнинг қарор топиши; фуқаролар маънавий-ахлоқий етуклигини таъминлаш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши; таълим-тарбиянинг мақсадли, тизимли, узлуксиз ва изчил олиб борилаётганлиги, ёш авлод имкониятларининг амалга оширилишига йўналтирилганлиги каби омилларнинг юзага чиқиши билан амалга оширилади.

Мазкур омиллар мусиқа йўналишида таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг шахсий имкониятлари, ижро маҳорати, салоҳияти, маънавий-ахлоқий сифатлари, шу билан бирга руҳий ҳолатини тарбиялашда ҳам ўзига хос ўринга эга.

Тарихдан маълумки, ер юзида яшовчи барча халқларнинг ўз маданияти ва санъати, шунингдек, мусиқий маданияти мавжуд бўлиб, уларнинг маънавий бойлиги ҳисобланган. Айниқса, Шарқ халқларининг мусиқий маданияти ҳар бир халқ миллий мусиқасининг асосини ташкил этган, назарий ва амалий ижрочилик мактабига эга бўлган. Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган мақом, муғом, навба, рага, кюи сингари мусиқий ижрочиликнинг аниқ

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б 77.

туркумлари турли даврларда турли кўриниш ва йўналишлар билан ижро этилиб келинган ва ривожланган.

Мақом туркумлари, «Шашмақом» ҳам ўзбек ва тожик халқларининг улкан мусикий бойлиги ҳисобланиб, халқ бастакорлари ижоди натижасида шаклланган ва бойиб борган. Ҳозирга келиб, бу туркум ижроларининг аниқ шаклига, характериға ва анъанавий ижро услубларига тўлиқ эгамиз деб айта оламиз. Албатта, бунинг боиси, ўтган мақомдон ва бастакор устозларнинг бу борада қилган улкан ижодий меҳнатларининг натижасидир. Мақом ижролари мусикий маданиятимизнинг асосини ташкил этганлиги сабабли бу мавзуга кўпроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

«Мақом» сўзининг луғавий маъноси арабчадан келиб чиққан бўлиб, «жой», «макон» маъносини англатади. Мусикий маънода товуш ҳосил қиладиган жой ёки аниқ парда маъносини тушуниш мумкин. Албатта, ижрода товушсиз ёки аниқ пардасиз ижро шаклланмайди ва аниқ мусикий оҳангни кашф этолмайди. «Мақом» сўзининг маъноси шундан келиб чиқиши табиийдир. Чунки мақом аниқ пардадан бошланадиган ва тугалланадиган куй ва ашулалар мажмуасини ифодалайди.

Мақом атамаси VIII-X асрлардан Уқлидис, Арасту сингари юнон олимларининг мусиқа назариясига бағишланган асарларининг араб тилига таржима қилиниши натижасида қўлланила бошланган. Лекин IX асрда яшаб ижод этган Яхё бин Абу Мансурнинг мусиқа назариясига доир асарида, мусулмон шарқи халқларида юнон мусиқа назариясидан олдин ҳам ўз ерлик халқларнинг ўзига хос мусиқа назарияси мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади.

Мақомларнинг назарий ва амалий томонларини IX- XV асрларда яшаб ижод этган ал - Киндий, ал- Форобий, ал- Хоразмий, Ибн Сино, ал- Урмавий, аш - Шерозий, ал- Хусайний, ал- Марвазий сингари улуғ олимларнинг кўплаб асарларида чуқур илмий шарҳлар билан асослаб берилган.

XIV- XVII асрларда Марказий Осиё, Хуросон, Озарбайжонда ўн икки мақом (дувоздах мақом) мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Ўн икки мақом ҳақида аниқ маълумотларни XVI - XVII асрларда яшаб ижод этган олимлар Нажмиддин Кавкабий Бухорий ва Дарвеш Али Чангий ўз асарларида акс эттириб берганлар. Уларнинг рисолаларида Бухоро хонлиги даврида ижро этилган ўн икки мақом ва улар асосида бастакорлар томонидан басталанган куй ва ашулалар ва бастакорлар ҳақида маълумотлар берилади. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ўн икки мақом XVIII асргача қўлланилган. XVIII аср ўрталарига келиб ўн икки мақом асосида шашмақом шаклланган дейишга тўла асос бўлади. Чунки ўн икки мақомдаги номларнинг кўпчилиги нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли барча ижродаги мақом туркумлари сақланиб қолмаган ҳам бўлиши мумкин, деган хулоса ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ўн икки мақомнинг шўхбаларида Шашмақомнинг барча шўхбалари номларини учратамиз.

Нажмиддин Кавкабий ўн икки мақом тузилишини қуёш буржларига асослаб 12 юлдуз туркумларига қиёслайди ва қуйидаги нисбат билан тартиб беради:

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| 1. Ҳамал - Роҳавий     | 7. Мезон - Рост     |
| 2. Савр - Зангула      | 8. Ақраб - Ҳижоз    |
| 3. Жавзо - Бузург      | 9. Қавс - Ироқ      |
| 4. Саратон - Ҳусайний  | 10. Жадий - Бусалик |
| 5. Асад - Ушшоқ        | 11. Далв - Наво     |
| 6. Сунбула - Зирофқанд | 12. Хут - Исфаҳон   |

Юқорида кўрсатилган буржлар, қуёшнинг фалак бўйлаб ҳаракатланиши йўлида жойлашган юлдузлар номи бўлиб, қуёш йил давомида ҳар бирида бир ой бўлиб ўтади. Буржлар айланасининг аввалида ҳамал ойининг келиши эса янги йил ҳисоби Наврўз билан бошланиши ва шу кунда қуёш ҳамал буржига келиши билан изоҳланади.

Ўн икки мақомнинг номлари, овоза ва шўхбаларини қуйидаги жадвал асосида кўрсатиш мумкин.

**Ўн икки мақом тузилиши:**

| <b>Ўн икки мақом</b> | <i>Овозалари</i> | <b>Шўхбалари</b>              |
|----------------------|------------------|-------------------------------|
| <b>номланиши</b>     |                  |                               |
| Ушшоқ                | Наврўз           | Дугоҳ<br>Сегоҳ                |
| Наво                 |                  | Чоргоҳ<br>Панжгоҳ             |
| Бусалик              | Салмак           | Ашийран<br>Баётий             |
| Рост                 |                  | Наврўзи араб<br>Наврўзи хоро  |
| Хусайний             | Гардонийа        | Наврўзи Баётий<br>Хисор       |
| Хижоз                |                  | Нукуфт<br>Уззол               |
| Рохавий              | Гавашт           | Авж<br>Найриз                 |
| Зангула              |                  | Маборкаҳ<br>Ражб              |
| Ироқ                 | Мойа             | Наврўзи сабо<br>Хумоюн        |
| Исфакон              |                  | Зовулий<br>Исфаконак          |
| Зирофқанд (кучак)    | Шахноз           | Рўйи ироқ<br>Бастан нигор     |
| Бузург (бузрук)      |                  | Ниҳованд<br>Жавзий<br>Муҳайяр |

Албатта, буни мукаммал жадвал дейиш ўринли бўлмаса-да, ҳар ҳолда ўн икки мақомнинг тузилиши нуқтаи назаридан яқинлашиш деб тушуниш мумкин бўлади.

## **II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

### **2.1. Шашмақомнинг Ўзбекистон ва Тожикистонда юзага келган янги шакллари**

Мақомот тизимининг ривожланиш тарихини шартли равишда иккки босқичга ажратиш мумкин. Биринчиси — номинал, яъни номи, таърифи, тафсифи бор, лекин садоланиши, оҳанги бизга мавхум бўлган жонсиз, бошқача қилиб айтганда, “номи бору, ўзи маълумотлардир. Иккинчиси - нота ёзувларига битилган, садолари оханграбо тасмаларига туширилган ёки бугунги кунда ҳам жонли анъаналар тарзида яшаб келаётган куй ва ашулаларни назарда тутди. Анъаналарнинг мазкур “жонли” ва “жонсиз” катламлари орасида узвий боғланиш мавжуд, албатта. Аммо илмий мулоҳаза юритишда, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонларини инобатга олишга тўғри келади.

Масалан, “Бухоро Шашмақоми” деган тушунчани олиб курайлик. Унинг асл макони Бухоро, айнан Бухоро маданий мухити, бу азим шаҳарнинг кўп тилли ва кўп элатли шароити, куй ва оҳанглариининг шеваси, азалдан келаётган ижрочилик услублари, урф бўлган чолғу созлари Шашмақомнинг жозибаси бетакрор жилоларининг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатган. Шашмақомнинг умумий гамой илл ари Хоразмда ҳам кдрор топган. Аммо Хоразм мақомдари Бухоро Шашмақомининг кўчирмаси эмас, асло. Мақом андозалари Хоразмда бошқача бўёклар билан безалганлиги, бу диёр оҳанглари билан суғорилганлиги дастлабки зшитишданок; яққол сезилиб туради. Бухоро ва Хоразм мақомлари ҳар бирининг салохияти ўзига яраша.

Улар қадимий мақом йўллари, доира(муодил)лари, усул ва шакл андозалари асосида таркиб топиб, ушбу воҳа созандаларининг офтоб кўри билан суғорилган мустақил куй ва ашулаларга айланиб келган.

Шашмақомнинг Ўзбекистон ва Тожикистонда юзага келган янги шакллари ҳам шу умумий илдизларга бориб тақалади. Уларнинг шаклу



шамойиллари бугунги кун шароитларига мослаштирилган, оҳанг ва усуллари замонавий куй ва ашулалар руҳи билан тўлдирилган. Эндиликда айнан шу замонабоп ижро вариантлари кўпроқ маъмул ва манзур бўлмокда. Шуларга биноан, деярли бир аср мобайнида мақомотнинг замон ва макон нуктаи назаридан турлича кўринишларда намоён бўлаётганини кузатишимиз мумкин. Энг муҳими, янги удумларнинг жорий этилиши, олдинги анъаналарни инкор этмайди. Аксинча, мақомларнинг хилма-хиллиги, бир-бирини бойитиши уларнинг табиий ривожланиши учун шароит яратиб беради.

Тўхтовсиз янгиланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда, мақомларнинг нота ёзувлари, оҳанграбо тасмалари ва жонли анъаналари орқали бизга маълум бўлган намуналарини бир бутун мақомот тизими сифатида кўриб чиқишни мақсад қилиб, уларнинг қуйидаги муайян тарихий шакллариини белгиладик: Бухоро Шашмақоми; Хоразм мақомлари; Фарғона-Тошкент мақомлари: Шашмақомнинг Тошкент ва Душанбеда жорий этилган янги услублари. Ўз навбатида, Фарғона-Тошкент мақомлари тарихан икки оқимда ривожланиб келган: дунёвий тарздаги “мақом йўллари” ҳамда илохий мавзулар билан боғлиқ “зикр мақомлари”. Умумий кўриниши ва туркумларга бўлиниши жиҳатидан Бухоро ва Хоразм мақомлари бир-бирига яқин туради. Фарғона-Тошкент мақомларининг йўналиши орасида ҳам узвий алоқалар мавжуд. Тилга олинган мақом турлари, жумладан, замонавий кўринишларнинг ҳар қайсисида, бир томондан, уларнинг мустакил йўналиш, иккинчи тарафдан, умумий негизларга бориб тақалувчи ягона тизим эканлиги маълум бўлади. Ана шу умумий тамойиллар ва ўзига хосликлар (усул ва шакл) муносабатларини кўрсатиш иккинчи “мақомот асослари” қисмининг асосий мақсадидир.

Ҳажми нисбатан катта бўлмаган учинчи бўлим шеърят мавзусига бағишланган. Одатда ҳозирги қадар мақом санъатида шеърятнинг ўрни, назм ва наво муносабатлари, мусиқий ва шеърый вазнларнинг ўзаро туташуви масалаларига ўртаниш билан чекланиб келинган. Бу тадқиқотда эса мақом шеъряти ўзининг бадиий воситалари ва образлар дунёси тарафидан классик

куйлар билан бевосита боғлиқ равишда шаклланган алоҳида бир қатлам сифатида кузатилади.

Муסיқа ва шеърят муносабатларини ўрганиш илмда янги мавзу эмас. Куй маънодан холи эмаслиги азалдан маълум. Бироқ, муסיқа тили сўз нуткидан бирмунча фарқ қилади. Куй - товушлар воситасида ифодаланган "сўзсиз мушоҳада", воқеликдан мустасно ҳис-туйғулар олами. Муסיқа оҳанглари маънони ўзига хос яширин, "пинҳоний тил"да изҳор этади. "Сўз тамом бўлган жойдан куй бошланади", - дейилишининг маъноси ҳам шунда бўлса керак. Бу ўринда Иби Сино "куйнинг сўздан устунлиги, сузнинг жимликдан афзаллигига баробардир" деган ўхшатиш ишлатганлиги бежиз эмас. Муסיқанинг бундай хусусияти шеърят тагига, аниқроғи, нутқнинг шеърый жиҳатларига ўхшаб кетади. Айниқса, рамзий-мажозий маънолар билан тўлдирилган лирик шеърят муסיқага жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам мақом куйлари мумтоз ғазалиёт билан муштарак бирликни ташкил этгандек бўлади.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мақом анъаналарини кўздан кечирадиган бўлсак, унда шеър билан муסיқа шаклан ва мазмунан уйғунлашиб, бир бутун бадиий асарга айланиб кетганини кузатилади. Айни чоғда муайян мақом йўлига бошқа сўз солиб айтиш, бир матнни иккинчисига алмаштириш одати ҳам мавжуд. Мавжуд ҳолат рус тилидаги айрим тадқиқотларда "контаминация" деб юритилади. Фикрамизча, бу ўринда "контаминация" (лотинчада "аралаштириш" дегани)дан кўра, анъанавий *манзума* (назмлаш) тушунчаси яхшироқ туюлади.

Шеърларни алмаштириш (манзума) ижрочилик тажрибасида бор нарсас. Аммо қандай бўлмасин, мақом куйларининг руҳиятига мос тушадиган сўз матнлари танлаб келинган. Бунда нафақат уларнинг вазнлари тўғри келиши, шеърнинг оҳангдор ва равонлиги, балки, мазмунан муסיқий мавзуга қаратилганлиги ҳам инобатга олинган. Шунинг учун ҳам хофизларнинг дастурларда куй, оҳанг, чолгу асбоблари, мутриб ва мутанний каби мавзуларга оид шеърлар узоқ ўрнашиб қолганлиги бежиз эмас.

Бундан ташқари, Бухоро Шашмақомнинг эски асл матнларида ҳар бир мақом туркумга бағишланган шеърӣ лавҳалар сақланиб қолган. Улар шунчаки куйлаб айтадиган байтлар бўлмасдан, мазкур мақомнинг мазмуни билан бевосита боғлиқ махсус шеърӣ бағишловлар вазифасини ҳам бажаради. Ҳар бир туркумнинг ниҳоясида (охирги супоришида) айтиладиган малдчалар устозларнинг ўзлари ифодалаган мақомларнинг рамзий мазмунини англашда муҳим аҳамият касб этади. Шуниси қизиқки, бундай матнлар бадийӣ услуб жиҳатдан ҳам мумтоз ғазалиётда учрайдиган эски мақомларнинг таърифларини эслатади. Хусусан, Шашмақомнинг ҳар битта туркумида айтиладиган ҳамма байтлари Нажмиддин Кавкабийнинг “Ун икки мақом ҳақида” деб номланувчи шеърӣ рисоласининг ўн икки мақом, олти овоз ва йигирма тўрт шўба бадийӣ таъриф берувчи бошланиш қисмига жуда ўхшаб кетади. Умуман олганда, бу тоифадаги маълумотларни чуқурроқ ҳамда атрофлича ўрганиш, мақомот заминидаги шеърӣят ва мусиқа муносабатларини янада изчилроқ тадқиқ этиш учун яхши имкониятлар яратади.

Мақомот ижрочилигида қўлланиладиган чолғу созларнинг бевосита куй ва ашулалар билан боғланишини икки томонлама кузатиш мумкин. Бир тарафдан, чолғу созлар амалиёт инъикоси, асрлар давомида шаклланган мусиқӣ тафаккур маҳсули бўлса, иккинчидан, ижро жараёнига бевосита таъсир ўтказувчи жуда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Мақомот таркибидаги куй ва ашулаларнинг икки асосий мезони мавжуд: парда ва усул. Мақом таснифида бу икки етакчи омил ҳал қилиувчи аҳамият касб этади. Мақомларнинг назарӣ асослари мазкур кўшалок негиздан келиб чиқади ва ундаги барча қисмлар ҳам айнан шу парда (мақом) ва усул номларини қўшиб айтиш билан юритилади. Масалан, “Таснифи Бузрук”, “Сарахбори Наво”, “Мухаммаси Ушшоқ”, “Талқини Рост”. Уларнинг биринчиси усул ва иккинчиси парда(куй)нинг номларидир. Бошқача қилиб айтганда, мақомлар тарихида шаклланган, муайян анъаналар замирида қарор топган классик (мумтоз) куй ва усуллар тизимидир. Шунга кўра, мақом

ижрочилигида иккита асбоб – доира ва танбур етакчи чолғу сифатида гавдаланади. Доира – мақом чолғучилигининг барча эски ва янги услубларига хос асбоб. Унда мақомларнинг нафақат усул жўрлиги, балки куй ҳаракатининг асосини ташкил этувчи вазн ўлчовлари ҳамда ийкоъ бирликларининг энг нозик томонлари ва туб хусусиятлари акс эттирилали. Мақом куйларининг доирадан бошқа зарбли чолғуларда жўр этилиши ғайритабiiй анъаналарга ёт ҳолат сифатида қабул қилинади. Танбур эса умуман олганда мақомот рамзи. Шунинг учун том маънодаги мақом йўллари, классик мусиқамизнинг бошқа турларидан фаркли ўлароқ, баъзан “танбур мақомлари” деб ҳам юритилади.

Устозлар йўли – мақом санъатининг комуси. Ижрочининг умри анъаналар ҳаётига нисбатан қисқа. Аммо айнан шу устоз-шогирд измидаги давомийлик, ворисийлик анъаналар узлуксизлигини, бир бутунлигини таъминлайди. Устозлар мероси икки-уч наслга ўтиб, маълум бир мактабни ташкил қилади. Жонли анъана устоз йўлининг шогирд томонидан айнан такрорланишини ёқтиради. Ҳар бир янги насл ўзидан ниманидир қўшиб, устоз йўлини обод этиши тақозо қилинади. Шу тариқа доимий янгиланиш – анъанавий санъатдаги яшаш қонуни юзага келади. Анъана – бу мавжуд нарсаларни шунчаки такрорлаш эмас, балки ўтмиш меросни чуқур ҳазм қилиб, қайтадан дунёга келтириш, унга янги ҳаёт бахш этишдир. Шунинг учун халқ назари тушган устозлар ижодини мутолаа қилиш қадимий мақом анъаналарини уларнинг жонли бўлишлари мисолида ўрганиш имкониятини беради.

## 2.2. Ижро дастури нота матни, сўзлари ва тавсифи (нотаси)

### Сарахбори наво ва Бузрук мухаммаси

Ҳар бир мақомнинг ашула бўлими Сарахбор деб аталадиган шўъбалар билан бошланади. Сарахбор икки сўздан тузилган бўлиб “сар” – тожикча бош, бошланиш, “ахбор” арабча хабар сўзнинг кўплигидир. Улар Шашмақомда турли мақомлар номи билан қўшилиб Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ деб номланади. Сарахборларнинг такт, ритм ўлчови 2/4 (икки чорак) бўлиб, доира усули икки хил ижро этилади.

- 1)
- 2)

Бузрук, Рост, Наво ва Дугоҳ мақомларни Сарахборлари шу доира усулларининг биринчи тури. Сегоҳ ва Ироқ мақомининг иккинчи тури жўрлигида ижро этилади.

Сарахборларнинг доира усул суръати вазмин бўлиб, уларнинг ижро этиш жуда ҳам қийндир. Шунинг учун ҳам уларнинг ижро этувчи ҳофизнинг овоз диапазони кенг, нафаси узун ҳамда чарчаб қолмайдиган бўлиши керак. Сарахборларда Шашмақомдаги бошқа шўъбалар сингари бир нечтадан намудлар учрайди.

Жумладан Сарахбори Бузрукда Намуди Уззол, ва Намуди Мухаяри Чоргоҳ, Сарахбори Дугоҳда Зебо пари ва Намуди Мухаяри Чоргоҳ учрайди.

Сарахборлар ижроси ва уларни ўрганиш оғир бўлгани учун устозлар мақомларнинг бошқа шўъбаларини ўргатиб, кейин Сарахборларга ўтганлар.

# САРАХБОРИ НАВО

М.М.  $\text{♩} = 58$  ( $\text{♩} = 116$ )

1.

Сен . тек жа . хон . да

кӯз . ла . ри ай ни ба ло қа . ни?

2.

Мен . тек а . нинг ба . ло . си би .

ла муб . та ло қа . ни? О

Жо - ним. Эр -  
нинг а - қи - қи гар - чи жа - хон да я -  
го на - дур, эр - нинг а -  
қи - қи гар - чи жа - хон да я -  
го на - дур,  
Чех -  
рам мен - гиз ли ҳам я - не бир қаҳ - ра -  
бо қа - ни? ҳай  
рея,

Хай э рея о жо ни мо о жо ним. Күз-ни фу-chor тут-ти фи ро қинг да аиф ла ю о эр нинг ту зин дан ўз га ан-га ту-ти-а қа-ни? о ёр.



ер э е - рея  
 жо ни мо  
 Лаъ-линг ша -  
 ро - би бул - ди кун-гул дар - ди -  
 на да-во, бул дард жон - га  
 ет - ти, ва - ле ул да-во қа-ни? о  
 V.1.  
 Ю - зум - ни ол - тун эт - ти се -  
 нинг иш - қинг, эя са - нам, о  
 о мун-доғ ба -  
 қир ни ол - тун э-тар ким - е қа -  
 ни?  
 о

о о э - рея эя э - рея

жо ни - мо а - си - ринг ма

но VI.1. Хус - нинг за - ко - ти

бер - га - ли бир кул - ни из - ла -

санг, о о о

2. Сак - ко - ки -

тек бу дун - е - да бир бе - на - во қа - ни?

э хая е - рея

о - рея хая  
о - ни мо о -  
жо - ним. attassa

ТАРОНА I

М.М.  $\text{♩} = 80$

Эя - вой. Мо дәр ин  
шах - рем дил, дил - по бас - ти ту,  
Эя - вой шу - хи ман өз ту ту фи - рон  
өр өз лас - ти ту, Эя - вой бе ма - хо



вот ху - ни, вой - вой, о - шик, рех - ти,  
 о - шик рех - ти эй - вой до - ду фар -  
 е - ду фи - фон ер аз двс - ти - ту эй.  
 Эя, со - қия, би - ер ер аз жо - ми май,  
 ер мут риб - на - во, ер аз чан - гу - ный,  
 ер бар - ман би - гу, ер, ин қис - са - ро,  
 ер, өз ман шу - нав, эй ер ин нағ - ма - ро.  
 Бас - там ди - ли худ, ер бо зул - фи дил -  
 дор, е - рей по бас - та шуд - ам  
 ер бо ишқ ги - риф - тор, е - рей,  
 цаб - ре маку - нед, ер ба ғам ги - риф -

тор, е - рей, Рах - ме би\_ху\_ред  
 ёр, ба си - на - аф - кор е - рей  
 эй шў - хи си\_там га - ри ца - фо -  
 кор, е - рей ёр е - рей. *attacca*

М. М.  $\text{♩} = 128$

## ТАРОНА II

Кел - ди\_лар ка - рам ай -  
 лаб е - рей, кел - ди\_лар ка -  
 рам ай - лаб, е - рей,  
 кул - бам ич ра жо\_нон лар, е - рей  
 кул\_бам ич ра жо\_нон лар,  
 хар би\_ри си жо\_ним - дин, е - рей,

ҳар би-ри си жо-ним - дин, е - рей

ҳам а-зи зи меҳ-мон - лар, е - рей,

ҳам а-зи зи меҳ-мон - лар.

Ўл - ту риб, ку-руб ҳал - қа е - рей,

ич - га-ли ма - йи иш - рат,

бер - ди-лар қо - даҳ-лар - га е - рей

маж - лис ич - ра дав-рон - лар е - рей,

маж - лис ич - ра дав-рон - лар,

Тий ра шо - ми ҳиж-ро - ним е - рей

рав-шан эт - ди-лар кун - дек

юз - ла-рин о - чиб ҳар ан е - рей,

не ча мо - хи то - бон - лар е - рея,

не ча мо - хи то - бон - лар.

Нүш э - тиб не ча со - гар, е - рея

хар би - ри бу - либ сар - хуш, е - рея,

бо - да то - би - дин оч - ди, е - рея,

супориш  
юз - ла - ри гу - лис - тон - лар.

М.М. ♩ = 104  
о, пар - во - на ма - но

М.М. ♩ = 58-96  
а, а - ра - ман

е, дүст сар - ви - но - зи - мей

а, жо - ни - мо. *attacca*

## Buzruk maqomi, "Nasrullovi" ashulasida Turk Avjining qo'llanilishi:

La - bi la' - lin\_\_\_\_\_ ma - lo - hat\_ ho - li bir - la\_ bax - ra - var qil g'on\_\_\_\_\_

me- ning jo- nim - - ni do - g'i\_\_\_\_\_ ish - qi

bir - la bax - ra mand\_ et- mish - o\_\_\_\_\_

Bi - rov - kim\_\_\_\_\_ sar - vi - dek, o - zo - da vash\_ bo'l - di\_\_\_\_\_ bu

bog' ich - ra\_\_\_\_\_ o\_\_\_\_\_

Турк авжи мажор ладига мос келгани учун Насруллоининг 7 - поғонасидан бошлансагина унга тўғри келади

Насруллоининг диапазони бир ярим октавадан кенгроқ бўлиб, унинг товушқатори таркибидаги Турк Авжи бошланадиган парда ва поғоналарини нота мисолида шундай бериш мумкин:

I II III IV V VI VII VIII

Tovushqatorning boshlang'ich pog'onalari      Avji Turk qismi

Шашмақомнинг чолғу бўлимида энг кўп учрайдиган қисмлардан бири Мухаммасдир. Улар: Бузрук мақомида Мухаммаси Бузрук, Мухаммаси Насруллои Рост мақомида – Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси канжгоҳ, Наво мақомида – Мухаммаси Хусайний, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт. Дугоҳда – Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Хожихўжа, Мухаммаси ЧорСархона.


Сегоҳда – Мухаммаси Сегоҳ, Мухаммаси Бастанигор. Ироқда – Мухаммаси Ироқ номи билан аталади. Мухаммасларнинг такт-ритм ўлчови



2/4 ёки 4/4 бўлиб, доира усули эса ҳаддан ташқари узун, яъни 2/4 бўлганда 16 такт, 4/4 бўлса 8 тактни ташкил этади.



## Buzruk muhammasi



This musical score is written for a single melodic line in G major (one sharp). It consists of 12 staves of music. The notation includes various rhythmic values such as eighth, sixteenth, and thirty-second notes, as well as rests and repeat signs. The piece is divided into sections by the labels "Bozgo'y" and "Xona".

- Staff 1:** Initial melodic phrase.
- Staff 2:** Continuation of the melody, ending with a repeat sign.
- Staff 3:** Labeled "Bozgo'y", featuring a more complex rhythmic pattern with many sixteenth notes.
- Staff 4:** Continuation of the "Bozgo'y" section.
- Staff 5:** Labeled "2 Xona", featuring a melodic phrase with a repeat sign.
- Staff 6:** Continuation of the "2 Xona" section.
- Staff 7:** Labeled "Bozgo'y", featuring a melodic phrase with a repeat sign.
- Staff 8:** Continuation of the "Bozgo'y" section.
- Staff 9:** Labeled "3 Xona", featuring a melodic phrase with a repeat sign.
- Staff 10:** Continuation of the "3 Xona" section.
- Staff 11:** Continuation of the "3 Xona" section.
- Staff 12:** Labeled "Bozgo'y", featuring a melodic phrase with a repeat sign.

Bozgo'y

This musical score is written for a single melodic line on a treble clef staff. The key signature is one sharp (F#), and the time signature is 2/4. The piece begins with a repeat sign. The melody is composed of eighth and sixteenth notes, with some rests. The word 'Bozgo'y' is written above the third staff. The piece concludes with a first ending (marked '1.') and a second ending (marked '2.').

### **2.3. Анъанавий мусиқа ижрочилигига хос зарблар (услубий тушунчалар ва нота мисоллари)**

Қашқар рубоб, афғон рубоб, уд, танбур ва дутор каби миллий чолғуларимиз ижрочилигида мезроб (медиатор) ёки нохун орқали ҳосил қилинадиган оддий ва мураккаб бўлган зарблар бир неча хилдан иборат. Анъанавий мусиқа ижрочилигида уриб чалинадиган торли чолғуларга хос бўлган зарбларнинг асосан саккиз хили ҳақида тушунча беришни лозим кўрдик. Булар: Якка зарб, Қўш зарб, зарби паррон (учма зарб), билак зарб, рез, калта рез, тескари зарб ва уфар зарб.


Ушбу зарблар учун машқлар беришдан мақсад, ижрочини чап ва ўнг қўл ҳаракатларини мусиқий асарлар ижро этиш олдидан жонлаштириш ва тавсия этилаётган куйнинг пардаларига кўникма ҳосил қилдиришдир. Тавсия этилаётган машқлар оддийдан мураккабга томон йўналтирилган бўлиб, бунда асос қилиб мақомлардаги товушқаторлар рубобга мослаштириб берилган. Шу туфайли машқларни асосан Шашмақом, Тошкент-Фарғона чолғу йўлларининг тузук тузилишларига мослашни лозим топдик.

Маълумки ҳар бир чолғуда мақомлар ёки йирик шаклдаги анъанавий мусиқани ижро этиш имкониятлари турличадир. Устозларимиз ҳар бир мақомнинг асосий пардаларига эътибор берган ҳолда нота ёзувига олганлар. Бунда танбур созининг етакчи бўлганлиги аён. Ўқув қўлланмада, асосан қашқар рубоби учун характерли бўлган мақом куйлари, халқ мусиқалари ва бастакорлар асарлари ўрин олган. Шу боис, юқорида таъкидлаганимиздек, биз ҳар бир машқ ва куйларни мазкур рубоб созига мослаштирдик.


Якка зарб – товуш чиқаришнинг энг оддий усулидир. У рубоб, танбур, дутор, уд, чанг, қонун чолғуларида ижро этишнинг асосий пойдеворидир.

Якка зарб мезробни – нохунни торларда пастга ёки юқорига уриш билан ҳосил қилинади. Мезроб ёки нохунни пастга уриш –нота устига II белгиси, пастдан юқорига уриш эса V белгиси билан ифодаланади. Бузрук мақоми товушқаторида тавсия этилади.

**Бузрук мақомининг товушқатори:**



**Рубоб учун мослаштирилган товушқатор:**



**Рубоб созланиши:**



**1 – машқ**



Қўш зарб – Мезроб ёки нохунни пастга ва юқорига уриб чалинган якка зарб ҳаракатларининг бир текисда алмашилиб туриши натижасидаги товуш чиқариш усули – қўш зарб деб юритилади.

У бир хил узунликдаги



шунингдек турли узунликдаги



тез ва ўртача суъратли товушларни ижро этишда характерлидир.

**2-машқ**





Шу каби машқларни Рост, Наво, Дуғоҳ ва Ироқ мақомларининг рубобга мослаштирилган товушқаторлари асосида мустақил бажариш мумкин.

Шуни эътиборга олган ҳолда мақомларнинг асосий товушқаторларини қашқар рубобига мослаштирган ҳолда – нота мисолларини келтириш ва танбур созига нисбатан баён этишни лозим деб топдик.


Ўқувчига қулайлик яратиш мақсадида дастлаб асосий товушқаторни, сўнг рубоб намунасини келтириб борамиз.

танбур сози

*Бузрук мақоми*



рубоб сози




танбур сози

*Рост мақоми*



рубоб сози




танбур соли

*Наво мақоми*




рудоб соли




танбур соли

*Дугоҳ мақоми*



рудоб соли




танбур соли

*Сегоҳ мақоми*



рудоб соли




танбур соли

*Ироқ мақоми*



рудоб соли



## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрта Осиёнинг XVI-XIX асрлар маданияти тарихи яхши ёритилмаган. Маданият тарихига оид манбалардан маълум бўлишича, фан ва санъат бу даврларда тушкун бир ҳолда эмас, ижтимоий қарама-қаршиликлар шароитида яшаган. Мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларни шарҳлаб берувчи XVI-XIX асрларда яратилган рисоалар юқоридаги фикрнинг далили бўла олади. Бу рисоаларда ёритилган маълумотлар биз учун қадрлидир.

Мустақиллик даври ижрочилик санъати оддий мусиқий жараён бўлиб қолмасдан, миллий жрочилик ғояси асосида шаклланди ва миллий-маъданий юксалишни таъминлашда муҳим омил сифатида фаолият кўрсатиб келмақда. Зеро, санъатнинг бу тури мустақиллик ғояси кесимида шаклан ва мазмунан бойиган ўзбек миллий ижрочиликнинг барча кўринишларини ўзида уйғунлаштирган бадиий фаолият натижасининг ижобий намунасидир

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда, уларни эстетик, ахлоқий тарбиялаш тизимини шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мақомларимиз Марказий Осиё мусиқа маданиятининг юзага келишида, шаклланишида асосий манба вазифасини ўтади десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг ноёб оҳанглари, дилкаш наволари ва чуқур мазмунли шеърий матнлари инсон руҳиятига озуқа берувчи манба эканлигини таъкидлаш мумкин.



Мақомчилик санъати ўрта асрлардан яқин ва ўрта шарқ халқларининг мусиқа маданиятида етакчи ўринни эгаллаб келган. Мақомлар – мумтоз шеърят ва профессионал даражадаги ижрочилик услубларини ривожига асосида шаклланган бастакорлик маҳсулидир.

Шашмақом икки юз элликка яқин куй ва ашулалардан иборат ҳамда ўзбек-тожик халқлари мусиқа меъросининг асосий қисмини ташкил этади”<sup>6</sup>.

Шашмақом Ўрта Осиёда яшаб келган мақом туркумларининг энг сўнгги шаклидир ва бундан тахминан икки аср илгари (XVIII аср) шаклланган.

Бу мақом туркуми чолғу ва ашула йўлларида миллий мусиканинг бой оҳанглари, ритмик хусусиятлари, доира усуллари, куйларга шеър матнларини мослаб тушира билиш қоидалари билан боғлиқ қатор жиҳатлар мужассамланган. Шашмақомнинг чолғу ҳамда ашула бўлимига кирган куй ва ашула йўллари йирик шаклдаги мураккаб асарлар бўлиб, уларни тингловчига тўғри етиб бориши, завқ-шавқ бағишлай олиши ижронинг сифатига боғлиқ.

Рубоб ижрочилиги машғулотларида Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари орқали таълим олувчиларни ижро маҳоратларини ошириш ҳамда эстетик тарбиялаш муаммоси ҳозирги кунда ниҳоятда долзарбдир. Ўзбек халқ мақомлари намуналари ва қўшиқлари воситасида таълим олувчиларни ижро маҳоратини шакллантириш ва эстетик тарбиялашда Рубоб ижрочилиги машғулотларининг имкониятлари катта. Зеро, Ўзбек халқ мақомлари ва қўшиқларида халқнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, шунингдек, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби ижобий сифатлари улуғланади. Бу эса халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари билан бевосита боғлиқ.

Рубоб ижрочилиги машғулотлари, ўқув дастурлари ва дарсликларига ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари киритилса, устозлар услублари турли воситалар ёрдамида ўқувчилар онгига сингдирилса, самарали натижа беришини яққол кўрсатди.

---

<sup>6</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. “San’at” нашриёти, Т., 2006, 11-бет.

Ўзбек мақом санъати асосида таълим олувчиларни миллий руҳда тарбиялаш муҳим педагогик муаммо бўлиб, уни асрлар давомида сайқалланиб келган муסיқий меросимиз асосида амалга оширилади. Бунинг учун эса ўз навбатида миллий руҳ тушунчасининг асосий моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш талаб этилади. Ўзбек мақом санъати асосида ўқувчилар қалбига миллий руҳ элементларини сингдира олиш биринчи навбатда оҳангларга асосланади. Зеро, миллатнинг руҳияти, унинг қайси миллатга мансублигини муסיқа оҳанглари белгилаб беради.

Ўзбек мақом санъати воситасида миллий руҳни тарбиялаш фақат маълум билимлар билангина эмас, балки ахлоқий тушунчаларни эгаллаш ва унга амал қилишда ҳам асосий мезонлардан ҳисобланади. Миллий руҳият ўқувчиларда ватанпарварлик, илм-маърифат, одамийлик, одиллик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олиҳимматлик каби маънавий фазилатлар орқали шаклланади.

Инсон санъат асарини тўлиқ идрок этиши учун унинг асосий ғоясини, мақсадини, тушуниши муҳим саналади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар: 3 – жилд.- Т.: Ўзбекистон , 1996. – 367 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар: 5- жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 360 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.- 686 б.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 480 б.
6. 6 . Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар: 7 – жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 413 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.- 54-55 б.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 109 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- 167 б.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1998. – 56 б.
13. Бегматов С. ва бошқалар. Муסיқа маданияти: 6 – синф учун дарслик. -Т.: Ё.Ғулом нашриёти, 2001. – 144 б.
14. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. –Т.: Ўқитувчи, 1984. – 128 с.

15. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари.–Т., 2004.-238 б.
16. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.- 320 б.
17. Иброҳимов О. ва б. Мусиқа: 4–синф учун дарслик.- Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2003.- 110 б.
18. Иброҳимов О., Садиров Ж. Мусиқа: 7–синф учун дарслик. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 244 б.
19. Мансуров А., Каримова Д. Мусиқа маданияти: 5-синф учун дарслик. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 130 б
20. Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочиларининг зарҳал саҳифалари. – Хоразм, 1999. – 51 б.
21. Матякубов Б. Музыкальные особенности Хорезмских дастанов: Автореф. ... канд. искусствovedения. –Т., 1996.- 23 с.
22. Мусиқа психологияси. –Т.: Мусиқа, 2005. – 78 б.
23. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед. фанл. докт. ... дисс. -Т., 2000. – 305 б.
24. М.А.Асиров, Ф.Н.Васильев «Дутор дарслиги» – Т., 1977.
25. Музыкально- энциклопедический словарь. Москва. 1990 г.
26. Ф.Кароматов. Вопросы музыковедения (материалы симпозиума) 1980 г.
27. 3. А.Жабборов.Т.Соломонова. Композиторы и музыковеды Узбекистана.Ташкент. 1975.
28. А. Жабборов. Ўзбек бастакор ва мусиқашунослари. Тошкент.2004.
29. Ю.Ражабий. И. Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси тарихи, (Ўқитувчи). 1981 йил.